

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

“МУСИҚА НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

О.Ў.АБДУЛЛАЕВА

“ГАРМОНИЯ”

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент - 2011

Тақризчи: кат.ўқ.Н.Ахунджанова

Кейинги йилларда Ўзбекистон давлат консерваториясида маърузали фанларни муаммоли йўналишдаги маърузалар шаклида ўқитиш йўлга қўйилди. Ушбу маърузалар матнини тузишда ҳам санъат соҳасида, хусусан, мусиқа санъатига оид фанларни замон талабидан келиб чиқиб, янги педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб боришга асосий эътибор қаратилган.

“Гармония” ўқув фани бўйича маърузалар мавзуси ва сони жорийдаги ишчи ўқув режасида ажратилган соатларга биноан белгиланган ва ҳар бир мавзунинг қисқача матнларидан иборатдир.

ЎзДКнинг Илмий-услубий кенгаши томонидан кўпайтиришга тавсия этилган (2011 йил, ... сентябрь, баённома №...).

К И Р И Ш

Гармония тушунчаси бугунги кунга келиб анча кенгайди. Ҳозирда у фақат аккордлар (оҳангдошлар) ва уларнинг кетма-кетликлари тушунчасини билдирибгина қолмай, балки, ифода воситаларининг бутун бир соҳасини ўз ичига олади.

Олий таълим муассасида ўтиладиган гармония курсининг асосий мақсадидан бири – гармоник таҳлил соҳасидаги амалий кўникмалар, куйни гармониялаш, модуляция ва секвенцияларни ижро этишдан ташқари, бирон композитор, муайян бир мусиқий асар ёки даврга хос услубнинг характерли томонини аниқлаб бера олиш кўникмасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шунга кўра, мусиқий тизим, мусиқий тафаккур ривожининг жараёни, мусиқанинг лад-тонал асоси, ундаги мусиқий тилнинг бошқа унсурлари билан чамбарчас боғлиқлик вазифасини янада кенгроқ тушуниш алоҳида аҳамият касб этади.

Гармония мусиқанинг асосий таркибий қисми сифатида асарларда мелодика, метроритм, суръат, фактура, динамика, ижро услуби билан яхлит ҳолда қатнашади. У кўповозли матонинг исталган тури - гомофония, полифония, овоз ости тузум ва яширин ҳолда бировозлилиқда ҳам намоён бўлади. Гармония ўқув курсида, аввалам бор, овозларни муайян тартибда тафовутлаш ва мусиқий матонидаги асосий куй ва жўр овозларни ажратиш мумкин бўлган кўповозлилиқ турларини ўрганишга эътиборни қаратиш керак.

1-мавзу. Гармония курсининг мақсад ва вазифалари.

Товушларнинг оҳангдош бўлиб бирлашиши ва ушбу хил кетма-кетликнинг боғланиши **гармония** дейилади.

Гармония мусиқий асарнинг ривожда катта аҳамият касб этиб, ифодавийлигини бойитишга ва чуқурлаштиришга таъсир кўрсатади. Гармония асарнинг куйига хилма-хил ҳиссий бўёқлар беришга қодир. Бу ҳолат, айниқса, муайян бир куйнинг турли оҳангдошликлар кетма-кетлиги жўрлигида акс этганида яққол намоён бўлади.

Айрим ҳолларда муайян оҳангдошликлар гуруҳи ёки алоҳида бир оҳангдошликни ҳам гармония деб атайдилар.

Нихоят, оҳангдошликларнинг тузилиши ва кетма-кетлиги ҳақидаги таълимот (гармония ҳақидаги таълимот)ни “гармония” атамаси билан номлашади.

Таянч сўзлар: *гармония, оҳангдошлик.*

Мустақил иш учун мавзу:

1. Гармония, эстетик ва мусиқий категория сифатида.

2-мавзу. Овоз ҳаракати. Аккордлар жойлашуви ва қўшилиши.

Аккордлар уч хил бўлади: учтовушлик, септаккордлар ва нонаккордлар.

Учтовушлик – учта товушдан иборат аккорд; аксарият давр ва услубларнинг мусикасида асосий ўрин тутати. Унинг товушлари ўз жойлашувига кўра, прима, терция, квинта деб аталади.

Мусиқий асарларда учтовушликлар камдан-кам ҳолларда уч овозлик кўринишда берилади. Одатда, тўрт овозлик кўринишда баён этиладиги, бу ҳол амалиётда кенг қўлланилади.

Тўртовозлик, табиийки, инсон овозининг тўрт хилга бўлиниши билан боғлиқ: сопрано, альт, тенор, бас. Хор жамоасига хос бўлган ушбу овоз номлари чолғу мусикада ҳам сақланган бўлиб, юқори овозни куй деб ҳам атайдилар.

Тўртовозлик тузилиш асосий, яъни прима овозини жуфтлантириш (икки марта ишлатиш) йўли билан ҳосил қилинади. Бунда жуфтланувчи овоз юқорида исталган овозда жойлашиши мумкин.

Аккорднинг юқори овозида бирон бир товушнинг мавжуд бўлиши унинг **мелодик ҳолати**ни белгилайди. Учтовушлик уч хил мелодик ҳолатда баён этилиши мумкин: **прима ҳолати, терция ҳолати, квинта ҳолати.**

Учтовушлик **кенг** ва **зич** ҳолатда жойлашиши мумкин. Зич ҳолатда ҳар бир товуш бир-биридан терция ёки кварта узоқлигида жойлашади. Кенг ҳолатда эса товушлар орасидаги масофа квинта ёки секста интервалини ташкил этади. Бироқ, ҳар қайси жойлашувда ҳам бас овози юқори овозларга нисбатан примадан тортиб, то икки октавагача бўлган масофада жойлашиши мумкин бўлади.

Учтовушликнинг овозлари орасидаги кесишув умуман таъқиқланади. Яъни, регистр жиҳатидан тенорнинг альтдан юқори бўлиши ёки сопранонинг альтга нисбатан қуйида жойлашиши мумкин эмас.

Таянч сўзлар: *учтовушлик, мелодик ҳолат.*

3-мавзу. Асосий учтовушликларнинг қўшилиши.

Аккордларнинг кетма-кетма боғланиши уларнинг қўшилиши ёрдамида ҳосил бўлади. Аккордларнинг қўшилиши эса бадий амалиётда ишлаб чиқилган муайян қоидалар асосида амалга оширилади. Аккордлар қўшилишининг асосида эса **овоз ҳаракати** ётади.

Ҳар бир овознинг ҳаракати **равон** ёки **сакрамли** бўлиши мумкин. Равон ҳаракат деб, овознинг прима, секунда ва терцияга томон юришига айтилади. Сакрамли ҳаракатда эса овоз кварта, квинта, секста ва ундан катта интервалларга сакрайди. Ўқув амалиётида катта интервалларга сакрам ҳосил қилиш фақатгина бас овози учун рухсат берилади.

Аккордлар муносабати деб, уларнинг бас овози орасидаги муносабатга айтилади. Шунга кўра, аккордлар **кварта-квинта, терция ва секунда** муносабатида бўлади. Масалан, кварта-квинта муносабати: T-D, T-S; секунда муносабати: S-D.

Аккордлар **гармоник** ва **мелодик** йўл билан қўшилиши мумкин. Гармоник қўшилиш чоғида аккордлар таркибидаги умумий товуш ўз овозида жойида қолади. Гармоник қўшилиш аккордларнинг кварта-квинта муносабатига тегишли ҳисобланади.

Мелодик қўшилишда эса умумий товуш жойида қолмади. Бунда бас, албатта, кварта интервали томон ҳаракат қилиб, қолган овозлар эса басга қарама-қарши юриши керак. Мелодик қўшилиш кварта-квинта, секунда муносабатидаги аккордларга тегишли.

Таянч сўзлар: *овоз ҳаракати, аккордлар муносабати, гармоник, мелодик.*

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Аккордларнинг ўрин алмашуви. Реферат.
2. Басни гармониялаш бўйича масалалар тузиш.

4-мавзу. Даврия. К64.

Тугалланган муסיкий фикрни ўзида жам этган энг кичик муסיқа шакли **даврия** деб аталади. Одатда, даврия **жумла** деб номланувчи тенг қисмларга бўлинади. Бу жумлалар цезура билан чегараланиб, **каденциялар** билан тугайди.

Муайян муסיкий тузилмани ёки муסיкий фикрни якунловчи гармоник кетма-кетлик **каденция** ёки **каданс** деб номланади.

Шаклда жойлашувига кўра, каденциялар 2 турли бўлади: **ўрта** (биринчи жумланинг охири) ва **якуний** (иккинчи жумланинг охири, давриянинг умумий тугаши).

Гармоник функционалик жиҳатидан каденциялар икки асосий гуруҳга бўлинади:

- 1) турғун каденциялар - Т;
- 2) нотурғун каденциялар – D ёки S.

Ўз ўрнида нотурғун каденциялар ҳам икки турга бўлинади:

- 1) **автентик** – D билан якунланган;
- 2) **плагал** – S билан якунланган.

Каденциянинг умумий якуни даражасига қараб уларнинг **мукаммал** ва **нотукаммал** турларини ҳам келтириш мумкин.

Мукаммал каденцияда аккорд тактнинг кучли ҳиссасида, прима мелодик ҳолатида тугалланади. Нотукаммал каденцияда эса якунловчи тоника тактнинг кучсиз ҳиссасида, терция ёки квинта мелодик ҳолатида келади.

Каденцияларда доминанта аксарият ҳолларда **каданс квартсекстаккорди** деб номланадиган аккорддан кейин келади. У белгиланиши: K64.

Ташқи жиҳатдан тоника учтовушлигининг иккинчи айланмаси бўлиб кўринсада, K64 ўзининг функционал табиатига кўра тоника гармониясига тегишли эмас. Унинг таркибида бир вақтнинг ўзида D ва T функциялари мавжуд. Бу ҳолат **бифункционалик** деб аталади.

K64 да доминантавийликнинг устун эканлигини кўрсатиш учун унда бас товуши, яъни D нинг асосий товуши жуфтлантирилади.

K64 тактнинг кучли ҳиссасида келади.

Муסיкий матода K64 дан олдин асосан субдоминанта гармонияси ишлатилади. Айрим ҳолларда эса, тоникадан сўнг келиши ҳам кузатилади.

K64 функционал-нотурғун оҳангдошлик сифатида каденцияларга кўшимча зиддиятли янгроқ бахш этади.

Таянч сўзлар: *даврия, жумла, каданс, бифункционалик.*

Мустақил иш учун мавзулар:

1. П.Чайковскийнинг “Детский альбом” туркумидаги асарлардан даврия шаклини топиш.

Адабиётлар:

1. О.Азимова. Гармония дарслиги (Назарий курс). Т., 2002.
2. И.Дубовский, С.Евсеев, И.Способин, В.Соколов. Учебник гармонии. М., “Музыка”, 1987.
3. А.Степанов. Гармония. М., “Музыка”, 1971.

5-мавзу. Секстаккордлар.

Учтовушликнинг биринчи айланмаси **секстаккорд** деб номланади. Секстаккорд 6 рақами билан белгиланиб, функциянинг тагидан қўйилади: Т6, S6, D6 ва ҳ.к.

Асосий учтовушликларнинг секстаккордларида прима ёки квинта товуши жуфтланади. Терциянинг жуфтланиши мумкин эмас.

Секстаккорднинг жойлашуви нафақат кенг ёки зич, балки, аралаш ҳам бўлиши мумкин.

Акустик табиатига кўра, секстаккордлар учтовушликларга нисбатан нотурғун ҳисобланади. Шунинг учун, улар тузилманинг ўртасида ишлатилиб, равон ҳаракатга ёрдам беради.

Секстаккордларни аралаш жойлашувда тузиш мумкин бўлгани боис, уларнинг бошқа аккордлар билан қўшилиши вақтида турли хил сакрамларни амалга ошириш мумкин. Булар: прима ва квинта сакрамлари, аралаш сакрамлар. Бироқ бундай сакрамлар чоғида параллел октава ва квинталарга йўл қўймаслик керак.

Сакрамаларни ишлатишнинг аҳамияти овоз ҳаракатининг воситаларини кенгайтиради. Сакрамаларнинг ёрдамида куй ҳаракати ҳам фаоллашиб, ранг-баранглик касб этади.

Асосий учтовушликларнинг секстаккордлари қаторида II6, III6, VI6, VII6 ҳам ишлатилади. Ушбу секстаккордларнинг ишлатилишида айрим ўзгаришлар кузатилади. Масалан, бу аккордларнинг овоз жуфтланишида терциянинг жуфтланишига рухсат этилади.

Аксарият ҳолларда ушбу секстаккордлар ўзига хос аккордлар кетма-кетлиги таркибида келади. Масалан, II-VI64-II6 ва ҳ.к.

Таянч сўзлар: *секстаккорд, параллел октава, аралаш сакрамлар.*

6-мавзу. Квартсекстаккордлар.

Квартсекстаккорд деб учтовушликнинг иккинчи айланмасига айтилади. У 64 рақами билан белгиланади: Т64, S64, D64 ва ҳ.к.

Ўткинчи квартсекстаккорд тактнинг кучсиз ҳиссасида асосий учтовушлик ва унинг секстаккорди ўртасида жойлашади: Т - D64 - Т6 ёки Т6 - D64 - Т. S - Т64 - S6 ёки S6 - Т64 - S.

Овоз ҳаракатидаги равонлик ўткинчи квартсекстаккордлар учун хос хусусият ҳисобланади. Бунда бас поғонама-поғона юқорига ёки пастга томон ҳаракатланган вақтда, сопрано басга қарама-қарши равишда худди шу товушлар бўйлаб ҳаракатланади. Овозлардан бирида умумий товуш ўз ўрнида қолиб, тўртинчи овоз эса бир поғона пастга тушиб, яна ортига қайтади.

Ёрдамчи квартсекстаккорд тактнинг кучсиз ҳиссасида учтовушлик ва унинг такрори ўртасида жойлашади: Т - S64 - Т, D - Т64 - D.

Ёрдамчи квартсекстаккорд қатнашган тузилмаларда овоз ҳаракати ўта равон бўлиши шарт: бас ва унга нисбатан жуфтланган овоз ўз ўрнида ҳаракатсиз қолади, қолган икки овоз эса параллел (терция ёки секста) равишда бир поғона юқорига юриб, яна орқага қайтади. Гоҳида ушбу овоз ҳаракати нормаларидан чиқиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Муסיқий амалиётда II64, III64, VI64, VII64 ҳам кенг қўлланилади.

Таянч сўзлар: *квартсекстаккорд, ёрдамчи, ўткинчи.*

7-мавзу. Септаккордлар. D7.

Ладнинг бешинчи поғонасида тузилган септаккорд **доминантсептаккорд** деб аталади. Доминантсептаккорд нооҳангдош аккорд сирасига кириб, улар орасида энг кўп ишлатиладигани ҳисобланади. У катта терция, соф квинта ва кичик септимадан ташкил топиб, табиий мажор ва гармоник минорда тузилади. Унинг белгиси - D7. Доминантсептаккорд тўлик ва тўликсиз ҳолда ишлатилади. Тўликсиз ҳолатида квинта товуши тушиб қолиб, прима товуши жуфтланади. D7 ўзининг жойлашувига кўра зич, кенг ва аралаш ҳолда бўлиши мумкин. D7 нинг учта айланмаси бор: D65, D43, D2.

D7 нинг нооҳангдошлигига унинг овоз таркибидаги бифункционаллик сабаб ҳисобланади. Масалан, До мажорда тузиладиган септаккорднинг *соль-си-ре-фа* товушлари орасида *фа* товуши субдоминантага тегишлидир.

D7 доминанта ишлатиладиган барча шароитларда ишлатилиши мумкин. D7 дан олдин T, T6, S, S6, D, D6, K64 аккордлари келиши мумкин.

D7 албатта T га ечилишни талаб этадиган нооҳангдош аккорд. Унинг T га ечилиши қоидаси қуйидагича:

- 1) прима – юқорига юради ёки жойида қолади;
- 2) терция – юқорига юради;
- 3) квинта – пастга юради;
- 4) септима – пастга юради.

Муסיқий амалиётда SII7, DVII7 сингари септаккордлардан кенг фойдаланилади. Бу септаккордлар ҳам нооҳангдош аккордлар ҳисобланиб, T га ечилишни талаб этади.

SII7 нинг учта айланмаси бор: SII65, SII43, SII2.

DVII7 нинг учта айланмаси бор: DVII65, DVII43, DVII2. SII7 нинг учта айланмаси бор: SII65, SII43, SII2.

Ушбу септаккорд ва уларнинг айланмаларидан ҳар бири T га D7 ва унинг айланмалари ёрдамида ечилади.

Ушбу септаккордлар ўткинчи ёки ёрдамчи оборотларда ҳам кенг ишлатилади: T- SII2-T, SII65-T64-SII43 ва ҳ.к.

Таянч сўзлар: *доминантсептаккорд, бифункционаллик, нооҳангдошлик.*

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Доминантнонаккорд.
2. Доминанта гуруҳининг кам ишлатиладиган аккордлари.

Адабиётлар:

1. О.Азимова. Гармония дарслиги (Назарий курс). Т., 2002.
2. И.Дубовский, С.Евсеев, И.Способин, В.Соколов. Учебник гармонии. М., “Музыка”, 1987.
3. А.Степанов. Гармония. М., “Музыка”, 1971.

8-мавзу. Секвенция ва унинг турлари.

Мелодик тузилманинг юқорига ёки пастга томон кўчиши **мелодик секвенция** дейилади. Секвенция асосидаги мелодик тузилманинг ҳар сафар намоён бўлиши **қаторларни** ташкил этади. Секвенциянинг биринчи қатори эса **ибора** деб аталади. Секвенция – куйнинг баёни ва ривожига энг оддий усул ҳисобланади.

Бир тоналлик чегарасидан ташқарига чиқмаган секвенциялар **диатоник** ёки **тонал** секвенция дейилади. Бу ҳолда секвенция қаторларининг куйи ўзгармас бўлиб, интервалларнинг сифати ва уларнинг лад аҳамияти ўзгаришга дуч келади.

Мелодик секвенцияга муайян гармониянинг жўр бўлиши ва секвенцион қаторларда такрорланиб келиши **гармоник секвенция** дейилади.

Диатоник секвенциялар билан бир қаторда **хроматик секвенциялар** ҳам кенг ишлатилади. Ушбу секвенциялар ёрдамчи субдоминанта ва ёрдамчи доминанталар воситасида ҳосил бўлади. Бунда ҳар бир секвенцион қатор янги тоналликни ташкил этади.

Хроматик субдоминанта ва доминанталарнинг ишлатилиши мусиқий тузилмани кенгайтиришда янги имкониятлар яратади. Одатда мусиқий тузилманинг кенгайиши мусиқий фикрнинг яқунловчи қисмига тўғри келади. Умуман, секвенциялар мусиқий фикрни ривожлантирувчи омил сифатида кенг қўлланилади.

Таянч сўзлар: *секвенция, мелодик секвенция, хроматик секвенция, секвенцион қатор.*

9-мавзу. Мажор-минор тизимлари.

Ёрдамчи учтовушликлар ҳар асосий учтовушликдан терция интервалига юқорида ёки пастда жойлашади. Ушбу учтовушликлар асосийларга нисбатан функционал қардошлик касб этади. Бу қардошлик аккордлар орасида иккитадан умумий товушнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Шу таҳлит, марказида асосий учтовушлик жойлашган учта функционал гуруҳ вужудга келади. Улар Т гуруҳи, S гуруҳи, D гуруҳи. Ҳар бир гуруҳдаги аккордлар ўзинингички тузилишига кўра бошқа гуруҳлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам, учта йирик гуруҳ орасида боғлиқлик бор:

T - VI, I, III;

S - II, IV, VI;

D - III, V, VII.

Гармоник ҳаракатнинг асосий йўналиши қуйидагича формула билан ифодаланади: $T - S - D$.

Тузилмаган гармоник мажор ва минорнинг киритилиши **S** ва **D** функцияларининг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади. Яъни, гармоник мажорда субдоминанта минор, гармоник минорда доминанта мажор ҳолатига ўтади. Бунинг натижасида мажор ва минор ладлари таркибий жиҳатдан бири-бирига яқинлашади.

Табиий мажор ва минордаги асосий ва ёрдамчи аккордларнинг жамланмаси **тўлиқ диатоник функционал тизим** (қисқача - **диатоника**)ни ташкил этади. Диатоникага гармоник мажор ва минор ҳам киради.

Таянч сўзлар: *ёрдәмчи ўқтовушлиқлар, диатоника.*

Мустақил иш ўчун мавзулар:

1. Қўш доминанта.
2. Қўш доминантада альтерация.

10-мавзу. Лад альтерацияси. S, D гуруҳи.

Ладнинг турғун товушларига нисбатан нотурғун товушларнинг ярим тон даражасида тортилиб, хроматик равишда ўзгариши **альтерация** дейилади. Альтерацияланган товушлардан ташкил топган аккордлар эса **альтерацияланган аккордлар** дейилади.

Аккордлардаги альтерациянинг асосий манбаи гаммадаги II поғонанинг ўзгариши билан боғлиқ. Мажорда II поғона ҳам кўтарилиши, ҳам пастга тушиши мумкин. Бунинг натижасида товушлар орасидаги тортилишда зиддият кучаяди. Минорда эса II поғона фақат пастга томон ўзгариши мумкин, шунинг ўчун минордаги альтерация II поғонанинг фақатгина пастга томон альтерацияланишига асосланади.

II поғонанинг альтерацияланиши **D** аккордлари гуруҳидан $D7$, $DVII7$, $DD7$, $DDVII7$ ва уларнинг айланмалари сифат таркибига ўзгартириш олиб кириб, товушлар орасидаги зиддиятни кучайтиради.

II поғонанинг альтерацияланиши **S** аккордлари гуруҳидан SII , $SII7$, S , $TSVI$ ва уларнинг айланмалари сифат таркибига ўзгартириш олиб кириб, товушлар орасидаги зиддиятни кучайтиради.

II поғонанинг пасайиши натижасида субдоминанта гуруҳида сифат жиҳатидан умуман янги гармония ҳисобланган **неаполитан ўқтовушлиги** ва унинг **секстаккордининг** вужудга келишига сабаб бўлади.

Умуман олганда, альтерацияланган аккордлар мусиқий тузилма ва унинг янграшига турли-туман бўёқлар беради. Оддий диатоник аккордлардан ташкил топган тузилмага нисбатан альтерацияланган аккордлар киритилган тузилма тинглаш ўчун қизиқ ва мароқли ҳисобланади. Сабабики, унда

турғунлик ва нотурғунлик ёрдамчи зиддиятлар воситасида янги хакартерли киефа касб этади.

Таянч сўзлар: *альтерация, тортилиш, зиддият, неаполитан секстаккорди.*

Адабиётлар:

1. О.Азимова. Гармония дарслиги (Назарий курс). Т., 2002.
2. И.Дубовский, С.Евсеев, И.Способин, В.Соколов. Учебник гармонии. М., “Музыка”, 1987.
3. А.Степанов. Гармония. М., “Музыка”, 1971.

11-мавзу. Модуляция назарияси.

Музикий матонинг баёни яккатонал ёки турли тонал бўлиши мумкин. Яккатонал баён муайян бир тоналликнинг аккордлари билан чегараланишни тақозо этади. Турли тонал баёнда эса асосий тоналликдан ташқари яна бошқа тоналликларга тобе, ёрдамчи аккордлар учрайди.

Тоналликлар алмашинувининг тартиби **тонал режа** дейилади. Бир тоналликдан сўнг бошқа тоналликни музикий матога киритиш услублари эса **тонал муносабат турларини** вужудга келтиради. Тонал муносабатларнинг уч хил асосий тури мавжуд: **модуляция, оғишма, таққослаш.**

Музикий тузилманинг бир тоналликдан иккинчи тоналликка ўтиб яқунланиши **модуляция** деб аталади.

Музикий асарда модуляция ривожланишнинг муҳим гармоник омили ҳисобланади. Зеро, яккатонал равишда асарнинг фақатгина биргина кичик қисми баён этилиши мумкин.

Тоналликларнинг бевосита боғлиқлиги, аввалам бор, улардаги тоникаларнинг **функционал** муносабатига асосланади. Ушбу муносабат қанчалик яқин бўлса, тоналликларнинг қардошлиги ва муносабати ҳам шунчалик яқин бўлади. Тоналликларнинг ўзаро муносабати улар таркибидаги умумий аккордларнинг сонига қараб белгиланади. Шу асосда, берилган тоналликнинг учтовушликлари бошқа тоналликлар учун тоника вазифасини бажара олиши керак. Тоналликлар орасидаги бу хил диатоник қардошлик **I-даражали қардошлик**ни билдиради.

Мажор учун I-даражали қардошликда унинг доминантаси, субдоминантаси ва учта ёрдамчи параллел тоналликлар (битта калит белгисига фарқ қилади), ҳамда минор субдоминантаси тоналлиги (4 та калит белгисига фарқ қилади) ётади.

Минор учун I-даражали қардошликда унинг доминантаси, субдоминантаси ва учта ёрдамчи параллел тоналликлар (битта калит белгисига фарқ қилади), ҳамда мажор доминантаси тоналлиги (4 та калит белгисига фарқ қилади) ётади.

Диатоник қардошлик чегарасида модуляция икки тоналлик орасидаги **умумий** аккорд воситасида юз беради. Бошланғич тоналликда муайян

функцияга эга бўлган ушбу кейинги тоналликда ўзга функционал аҳамият касб этади. Ушбу умумий аккорд **воситачи** аккорд деб ҳам аталади.

Умумий, яъни воситачи аккорддан сўнг янги тоналликни етарли даражада аниқ белгилаб берадиган **модуляцияловчи** аккорд келади.

Модуляция жараёнида умумий аккорднинг номи кейинги тоналликка нисбатан ўзгарганидан кейин функцияларнинг одатий кетма-кетлиги кучга киради, қайсики, турли хил нооҳангдош аккордлар ёрдамида тоникага ечилишга интилади.

II-даражали қардошликдаги тоналликлар гуруҳи берилган мажор ва минор учун тўрттадан тоналликни ташкил этади. Улар иккита умумий аккордга эга бўлиб, иккита калит белгисига фарқ қилади. Масалан, До мажор учун – Ре мажор, си минор, Си-бемоль мажор, соль минор; до минор учун – Ре-бемоль мажор, си-бемоль минор, Фа мажор, ре минор.

III-даражали қардошликдаги тоналликлар гуруҳи берилган мажор ва минор учун саккизтадан тоналликни ташкил этади. Масалан, До мажор учун – Ми-бемоль мажор, Ля-бемоль мажор, Ре-бемоль мажор, Ля мажор, Ми мажор, Си мажор, до минор, си-бемоль минор; до минор учун – ля минор, ми минор, си минор, соль-диез минор, ми-бемоль минор, ре-бемоль минор, Ре мажор, До мажор.

IV-даражали қардошликдаги тоналликлар гуруҳи берилган мажор ва минор учун бештадан тоналликни ташкил этади. Масалан, До мажор учун – Фа-диез мажор, фа-диез минор, до-диез минор, соль-диез минор, ре-диез минор; до минор учун – фа-диез минор, Си мажор, Ми мажор, Ля мажор, Фа-диез мажор.

Берилган тоналликдан узоқ тоналликка **тадрижий модуляция** ёрдамида ўтиш I-даражали қардошликдаги тоналликлар занжирини ташкил этади.

Таянч сўзлар: *модуляция, тонал режа, умумий, воситачи, тадрижий.*

12-мавзу. Оғишма.

Бир тоналликдан иккинчи тоналликка вақтинчалик ўтиш **оғишма** дейилади. Унинг асосий белгиси янги тоналликнинг қарор топишига ёрдам берувчи якуний каденциянинг йўқлиги. Оғишмадан сўнг илк тоналликка қайтилади ёки кейинги оғишмага ўтилади.

Оғишма янги тоналликнинг доминантаси ёки субдоминантаси воситасида амалга оширилиб, қайсики, янги тоникага олиб келади. Янги тоникага янги доминанта вазифасини бажарувчи аккорд **ёрдамчи доминанта** дейилади. Шу жиҳатдан D, D7, DVII7 ва унинг айланмалари ишлатилади.

Янги тоникага янги субдоминанта вазифасини бажарувчи аккорд **ёрдамчи субдоминанта** дейилади. Шу жиҳатдан S, SII, SII7 ва унинг айланмалари ва айрим ҳолларда TSVI ишлатилади.

Хроматик ёрдамчи доминанта ва субдоминанталар билан бойитилган диатоник тизимнинг аккордлари жамланмаси нисбатан мураккаб ҳисобланган **хроматик тизимни** ташкил этади.

Ёрдамчи доминанталарни қўллаш чоғида овоз ҳаракатининг етарли даражада равон бўлиши шарт:

- 1) умумий товушлар ўз ўрнида қолади;
- 2) овозлар кесишувининг олдини олиш мақсадида диатоник поғонанинг хроматик ўзгариши бир овознинг ўзида юз бериши керак;
- 3) хроматик ярим тонликка юз берган бундай ҳаракатга нисбатан бошқа овозда жуфтланган товуш тескари томонга ҳақатланади.

Оғишма вақтида ёрдамчи доминанталар тактнинг кучсиз ҳиссасига тўғри келади.

Берилган овозни гармониялаш вақтида оғишма ҳолати янги учраган альтерация белгилари орқали намоён бўлади. Бироқ оғишмани альтерация белгилари учрамаган жойларда ҳам топиш мумкин.

Таянч сўзлар: *оғишма, ёрдамчи доминанта, ёрдамчи субдоминанта, хроматик тизим.*

Мустақил иш учун мавзу:

1. Таққослаш. Реферат.

Адабиётлар:

1. О.Азимова. Гармония дарслиги (Назарий курс). Т., 2002.
2. И.Дубовский, С.Евсеев, И.Способин, В.Соколов. Учебник гармонии. М., “Музыка”, 1987.
3. А.Степанов. Гармония. М., “Музыка”, 1971.

13-мавзу. I-даражали модуляция.

Тоналликларнинг бевосита боғлиқлиги, аввалам бор, улардаги тоникаларнинг **функционал** муносабатига асосланади. Ушбу муносабат қанчалик яқин бўлса, тоналликларнинг қардошлиги ва муносабати ҳам шунчалик яқин бўлади. Тоналликларнинг ўзаро муносабати улар таркибидаги умумий аккордларнинг сонига қараб белгиланади. Шу асосда, берилган тоналликнинг учтовушликлари бошқа тоналликлар учун тоника вазифасини бажара олиши керак. Тоналликлар орасидаги бу хил диатоник қардошлик **I-даражали қардошлик**ни билдиради.

Мажор учун I-даражали қардошликда унинг доминантаси, субдоминантаси ва учта ёрдамчи параллел тоналликлар (битта калит белгисига фарқ қилади), ҳамда минор субдоминантаси тоналлиги (4 та калит белгисига фарқ қилади) ётади.

Минор учун I-даражали қардошликда унинг доминантаси, субдоминантаси ва учта ёрдамчи параллел тоналликлар (битта калит белгисига фарқ қилади), ҳамда мажор доминантаси тоналлиги (4 та калит белгисига фарқ қилади) ётади.

Диатоник қардошлик чегарасида модуляция икки тоналлик орасидаги **умумий** аккорд воситасида юз беради. Бошланғич тоналликда муайян

функцияга эга бўлган ушбу кейинги тоналликда ўзга функционал аҳамият касб этади. Ушбу умумий аккорд **воситачи** аккорд деб ҳам аталади.

Умумий, яъни воситачи аккорддан сўнг янги тоналликни етарли даражада аниқ белгилаб берадиган **модуляцияловчи** аккорд келади.

Модуляция жараёнида умумий аккорднинг номи кейинги тоналликка нисбатан ўзгарганидан кейин функцияларнинг одатий кетма-кетлиги кучга киради, қайсики, турли хил нооҳангдош аккордлар ёрдамида тоникага ечилишга интилади.

Таянч сўзлар: *функционал муносабат, модуляцияловчи аккорд, воситачи аккорд.*

14-мавзу. II-даражали модуляция.

II-даражали қардошликдаги тоналликлар гуруҳи берилган мажор ва минор учун тўрттадан тоналликни ташкил этади. Улар иккита умумий аккордга эга бўлиб, иккита калит белгисига фарқ қилади. Масалан, До мажор учун – Ре мажор, си минор, Си-бемоль мажор, соль минор; до минор учун – Ре-бемоль мажор, си-бемоль минор, Фа мажор, ре минор.

II-даражали қардошликдаги тоналликларга модуляция воситачи тоналлик орқали амалга оширилади. Бу хил модуляциянинг сифати воситачи аккорд танлаган икки умумий аккордга боғлиқ бўлади. Шу белгига қараб, II-даражали қардошликдаги тоналликлар гуруҳидан тўртта тоналлик ажралиб чиқиб, улар иккита калит белгисига фарқ қилади. Улар иккитадан умумий аккордга эга бўлиб, улардан ҳар қайси бири воситачи тоналликнинг тоникаси сифатида кела олади. Шу боис, иккита калит белгисига фарқ қиладиган тоналликка ўтадиган модуляцияни амалга ошириш учун қуйидаги қоидага амал қилиш керак: воситачи тоналлик квинта давраси бўйича юқорида жойлашган икки тоналликдан бирига субдоминанта ёки субдоминантанинг параллели вазифасини ўташи шарт. Масалан, до мажордан си минорга модуляция қилиш учун воситачи тоналлик сифатида ми минор ёки унинг параллели соль мажор; ре мажордан ми мажорга модуляция қилиш учун эса ля мажор ёки унинг параллели фа-диез минор ишлатилади.

Классик ва романтик композиторларнинг ижодида II-даражали модуляция мусикий асарнинг ўрта қисмлари ҳамда ривожлов бўлимларида кўп ишлатилади.

Таянч сўзлар: *II-даражали қардошликдаги модуляция, воситачи тоналлик.*

15-мавзу. III-даражали модуляция.

III-даражали қардошликдаги тоналликлар гуруҳи берилган мажор ва минор учун саккизтадан тоналликни ташкил этиб, мажордан мажорга ёки минордан минорга модуляция қилиш чоғида уч, тўрт ёки бешта калит

белгисига фарқ қилади. Мажордан минорга модуляция қилишда эса уч ва бешта белгига бўлган фарқ фақат бемоллар томонига бўлади. Минордан можорга ўтишда эса фақат диезлар томонига фарқ қилади.

III-даражали модуляция До мажор учун – Ми-бемоль мажор, Ля-бемоль мажор, Ре-бемоль мажор, Ля мажор, Ми мажор, Си мажор, до минор, си-бемоль минор; до минор учун – ля минор, ми минор, си минор, соль-диез минор, ми-бемоль минор, ре-бемоль минор, Ре мажор, До мажор.

Уч, тўрт ёки бешта белгига фарқ қилувчи тоналликкаларга модуляция қилишда воситачи аккорд сифатида мажорнинг гармоник субдоминантаси ёки минорнинг гармоник доминантаси ишлатилади. Масалан, До мажордан ре-бемоль мажор, ля-бемоль мажор мажор, ми-бемоль мажор, си-бемоль минор, до минорга до мажор учун I-даражали қардошлик муносабатида бўлган фа минор орқали ўтиш жоиз. До мажордан ля мажор, ми мажор, си мажорга модуляция қилишда эса воситачи тоналлик сифатида ре минор, ля минор, ми минор ишлатилади. Ля минордан минор тоналликларига ўтишда – соль-диез, до-диез, фа-диез, шунингдек, си мажор ёки ля мажорга ми мажор орқали ўтиш керак. Ля минордан си-бемоль минор, фа минор до минорга ўтишда фа мажор, до мажор, соль мажор каби воситачи тоналликлар ишлатилади.

Номдош тоналликка ўтишда қуйидаги қоидага риоя қилиш шарт: минорнинг гармоник доминантаси ёки мажорнинг гармоник субдоминантаси тоналлигига оғишма қилингандан сўнг кейин келадиган номдош тоналликнинг параллел тоналлигига оғишма қилиш тавсия этилади.

Таянч сўзлар: *III-даражали қардошликдаги модуляция, воситачи тоналлик.*

16-мавзу. Энгармоник модуляция.

Темперацияланган тузумда янграши бир хил, аммо белгиланиши ва тонал аҳамияти ҳар хил бўлган элементларнинг мос тушиши **энгармонизм** деб аталади.

Модуляция вақтида тоналликлар орасидаги умумий аккорд таркибида бир ёки бир неча товушларнинг энгармоник равишда алмашинуви **энгармоник модуляция** дейилади. Бу хил энгармоник алмашув юқорига ҳаракатланувчи тортилишларнинг пастга ҳаракатланувчи тортилишлар билан ўзгариши ёки аксинча ҳолатлар билан юз беради. Бундай жарайн жуда қизиқарли, янги, ва шу билан бирга лўнда равишда янги тоналликка ўтиш имкониятини яратади.

Энгармоник модуляция учун ишлатиладиган бундай усуллардан оғишмада ҳам фойдаланиш мумкин.

Энгармоник модуляциянинг характерли томони шундаки, унинг воситачи аккорди бир вақтнинг ўзида модуляцияловчи аккорд вазифасини ўташи мумкин.

Энгармоник алмашинув барча турдаги аккордларга тегишли: диатоник, хроматик ва альтерацияланган.

Камайтирилган септаккорд воситасида энгармоник модуляция қилиш кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади. Бу хил модуляция шунга асосланадики, янграши жиҳатидан турлибўлган камайтирилган септаккордлар сони жами учта. Бу септаккордлардан ҳар қайси бири исталган тоналлик таркибига киради.

Камайтирилган септаккорд мусикий матода исталган аккорддан сўнг келиши мумкин.

Камайтирилган септаккорднинг ечилиши уч хил йқл билан юз беради:

1. Агар мазкур септаккорд $DVII_7$ бўлса, у D_7 ва унинг айланмалари ёрдамида тоникага ечилади.
2. Агар мазкур септаккорд $DDVII_7$ бўлса, у K_{64} га ечилади.
3. Агар мазкур септаккорд S нинг етакчиси бўлса, янги тоналликнинг S ёки SII аккордига ечилади.

Таянч сўзлар: *энгармонизм, энгармоник модуляция, кам $DVII_7$.*

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Тоналликлар қардошлиги даражалари. Реферат.
2. Орган пункти. Гармоник анализ.
3. Эллипсис.

Адабиётлар:

1. О.Азимова. Гармония дарслиги (Назарий курс). Т., 2002.
2. И.Дубовский, С.Евсеев, И.Способин, В.Соколов. Учебник гармонии. М., “Музыка”, 1987.
3. Т.Мюллер. Гармония. М., «Музыка», 1982.
4. А.Степанов. Гармония. М., “Музыка”, 1971.

17-18-мавзу. Аккордсиз товушлар.

Кўповозли мусиқада гармония ва мелодика ҳамиша ҳамкорликда қатнашади, шу боис, мелодикани таҳлил этишда унинг гармониясини ҳисобга олиш керак. Гомофон тузум мелодикасининг ҳаракати унинг иккита ҳар хил турини эътироф этишни тақозо қилади.

Мелодиканинг биринчи кўриниши муайян аккорд товушлари бўйлаб ҳаракатланувчи тузилма принципи асосланиб, ўзининг гармоник келиб чиқишига кўра гармоник-фигуратив моҳият касб этади.

Мелодиканинг иккинчи кўриниши равон мелодик ҳаракатга асосланиб, аккорд таркибига кирувчи товушлардан ташқари, гармония таркибига кирмайдиган товушларга асосланади.

Аккордсиз товушларнинг турлари:

- 1) тўхталма;
- 2) ўткинчи товушлар;

3) ёрдамчи товушлар;

4) предъём.

Тўхталма, ўз ўрнида бир неча хил бўлади:

А) **тайёрланган тўхталма** аввалги аккордга тегишли товушнинг кейинги аккорднинг товушига “кечикиб” ечилиши натижасида ҳосил бўлади;

Б) рафон мелодик ҳаракат вақтида ҳосил бўладиган **тайёрланмаган тўхталма**;

В) сакрамли мелодик ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган **тайёрланмаган тўхталма**.

Тактнинг кучсиз ҳиссаларида келадиган товушларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) терция ёки кварта оралиғида жойлашган товушлар орасидан юқорига ва пастга томон рафон ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган **ўткинчи** товушлар;

2) тактнинг кучсиз ҳиссасида аккордли товуш ва унинг такрори ўртасида юзага келадиган **ёрдамчи** товушлар (юқори ва пастки);

3) сакрам натижасида ҳосил бўлган ёки сакрам билан қолдириб кетилган **ёрдамчи** товушлар.

Барча ўткинчи ва ёрдамчи товушлар диатоник ва хроматик бўлиши ҳамда бир ёки бир неча овозларда қўлланилиши мумкин.

4) **предъём** – тактнинг кучсиз ҳиссасида ҳосил бўлиб, мавжуд гармониянинг устига кейинги аккордга тегишли товушларни жойлаштириш натижасида ҳосил бўлувчи ноохангдошлик.

Иккинчи тартибдаги аккордсиз товушлар.

Аккордсиз товушларга тобе бўлган товушлар иккинчи тартибдаги аккордсиз товушлар дейилади. Улар оддий аккордсиз товушларга янада чуқурроқ аҳамият бахш этиб, умумий контекстдан ташқарига олиб чиқади. Музикий матонинг аккордли асоси ва унинг вазифаси тўлақонли аниқ бўлганда иккинчи тартибдаги аккордсиз товушларнинг ҳаракати янада рельефлашади. Кўповозли гармоник мато шароитида, одатда, барча товушлар аккордли бўлиб, мелодик фигурация эса ўзининг гармоник илдизини йўқота бошлайди.

Таянч сўзлар: *тўхталма, ўткинчи ва ёрдамчи товушлар, предъём.*

Адабиётлар:

1. О.Азимова. Гармония дарслиги (Назарий курс). Т., 2002.
2. И.Дубовский, С.Евсеев, И.Способин, В.Соколов. Учебник гармонии. М., “Музыка”, 1987.
3. Т.Мюллер. Гармония. М., «Музыка», 1982.
4. А.Степанов. Гармония. М., “Музыка”, 1971.